

# Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити табриги



21:00 / 09.04.2024 2580

## **Қадрли ватандошлар!**

Аввало, муқаддас динимиз буюрган ибодат ва амалларни муборак Рамазон ойида чин дилдан, ихлос билан адо этиб, бугун ҳайит айёмини катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган сиз, азизларни, юртимиздаги жамики мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва энг эзгу тилаklarимни изҳор этаман. Шундай саодатли дамларга етказгани учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар бўлсин!

Сидқидилдан қилган дуо ва ниятларимиз, эҳсон ва амалларимизни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул айласин!

Инсон қадрини улуғлайдиган савобли ишларимиз бардавом бўлсин!

### **Азиз юртдошлар!**

Ҳаммамизга аёнки, ислом дини – тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик динидир. Муқаддас китобларимизда “Тинчлик-омонлик, ўзаро дўстлик ва аҳилликка интилиб яшаш – чин мўминга хос фазилатдир”, деб таъкидлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу йилги Рамазони шариф кунларида ана шу қадриятлар ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар динимизнинг асл моҳияти билан, унинг олижаноб ғоя ва тушунчалари билан уйғун ва муштарак эканини барчамиз яна бир бор чуқур ҳис этдик.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу ойда диёримиз мусулмонлари диний амалларни эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Беморлар, ногирон ва кекса инсонлар, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд қатламларга меҳр ва эътибор янада кучайди. Буни биргина мисол, яъни кўмакка муҳтож инсонлар учун 20 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилиб, маҳалла ва хайрия ташкилотлари томонидан барча ҳудудларимизда ифторлик ва эҳсон маросимлари ўтказилгани ҳам тасдиқлайди.

Айниқса, 25 март оқшомида Наманганда Фарғона водийсидаги учта вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида ўтказилган, бутун мамлакатимиз маҳаллаларини қамраб олган ифторлик маросимлари кўпмиллатли Ўзбекистон халқини бамисоли бир дастурхон атрофида бирлаштириб, ушбу ойга хос эзгу фазилатларнинг яна бир мужассам ифодаси бўлди. Қутлуғ Рамазон кунларида бир гуруҳ уламоларимиз хорижий мамлакатларга бориб, ватандошларимизга халқимизнинг самимий саломи ва эзгу тилаklarини етказиб, уларни ислом маърифатидан баҳраманд этганлари айниқса эътиборга сазовордир.

### **Ҳурматли дўстлар!**

Янги Ўзбекистонда юртимиздаги барча миллат ва конфессия вакиллари учун виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, янги масжидлар барпо этилмоқда, улуғ алломалар, азиз-

авлиёларимизнинг қадамжолари обод қилинмоқда, миллий ва диний кадриятларимиз тикланмоқда. Муборак Ҳаж ва Умра зиёратлари учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Мана, бу йил ҳам Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилинди. Бу эса байрамни янада файзли ва мазмунли ўтказишга, ўзаро меҳр-мурувват ришталарини боғлашга хизмат қилади, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу борадаги ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Бунинг учун ҳозир дунёда юзага келган ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда диёримиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраб, янада ҳамжиҳат бўлиб, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган ислохотларимизни янги босқичга кўтариш зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Нуронийлар, диний-маърифий соҳа вакиллари, кўпмиллатли дўстлик жамиятларининг намунали ҳамкорлиги ва уларнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидаги фаол иштирокларини алоҳида мамнуният билан қадрлаймиз.

Айни вақтда ёшларимизни азалий кадриятларимиз билан бирга замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, Ватан тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган инсонлар этиб тарбиялаш асосий бурчимиз эканини доимо ёдда тутишимиз лозим. Жумладан, “Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз” деган шиор асосида таълим масканлари ва маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишларни кучайтиришимиз керак.

Бу борада Ҳаж ва Умра сафарларига бориб келган юртдошларимизнинг “маҳалла еттилиги” ва фаолларимиз билан бирга алоҳида ўрнатилган кўрсатиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Яратганнинг раҳмати ва мағфирати зиёда бўлиб турган ушбу мунаввар лаҳзаларда хориждаги юртдошларимизни, узоқ ва яқин давлатлардаги барча мусулмон умматини Рамазон ҳайити билан сидқидилдан муборакбод этамиз.

### **Азиз ва муҳтарам ватандошлар!**

Қалбларимиз қувончга тўлган мана шу мўътабар айёмда сизларни муборак Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-

саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Илоҳим, барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин

Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

***Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президенти***